

**Tajibaev Mukhiddin Abdurashidovich**  
**Teacher of the "Social Sciences" department**  
**Jizzakh Polytechnic Institute**

**SYNERGIC APPROACH TO STATE AND SOCIETY**  
**DEVELOPMENT IN THE NEW UZBEKISTAN DEVELOPMENT**  
**STRATEGY FOR 2022-2026**

**Annotation:** The article analyzes the features of the self-organization of public administration activities on the basis of a synergistic approach. a comparative analysis of the "man – Society – state" and synergistic approach was carried out and the concept of self-organization was investigated.

**Keywords:** action strategy, development strategy, "man – Society – State", synergetics, synergistic principles, synergistic approach.

**Тажибаев Мухиддин Абдурашидович**  
**“Ижтимоий фанлар” кафедраси ўқитувчиси**  
**Жиззах политехника институти**

**2022-2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ**  
**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ДАВЛАТ ВА**  
**ЖАМИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ**

**Аннотация:** Мақолада давлат бошқаруви фаолиятининг ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятлари синергетик ёндашув асосида таҳлил этилган. “инсон – жамият – давлат” ва синергетик ёндашув қиёсий таҳлил этилиб, ўз-ўзини ташкил этиш тушунчаси тадқиқ этилган.

**Калит сўзлар:** Ҳаракатлар стратегияси, Тараққиёт стратегияси, “инсон – жамият – давлат”, синергетика, синергетик тамойиллар, синергетик ёндашув.

Мамлакатимизни 2017 — 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон

Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди. Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрини учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида «Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган қуйидаги етти та устувор йўналишдан иборат 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тасдиқланди:

- ✓ инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш;
- ✓ мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш;
- ✓ миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;
- ✓ адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш;
- ✓ маънавий тараққиётни таъминлаш, янги босқичга олиб чиқиш;
- ✓ миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш;
- ✓ мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Маълумки, “**инсон – жамият – давлат**” тизими бир неча йўналишларда амалга оширилиб, ўзига хос ёндашувларни талаб этувчи мураккаб жараён ҳисобланади. Бундай мураккаб жараёнларни чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш эндиликда ноанъанавий методологик концепциялар, масалага ўзгача ёндашиш тамойилларини кашф этиш заруратини тақозо этмоқда. Муаммоларни бартараф этишга янги илм соҳаси сифатидаги синергетик ёндашув принциплари бу жараёнларни тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этиб, унинг методологик имкониятларидан (очик тизим, ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини бошқариш, аттрактор, ночизиклилик, флуктуация, бифуркация, тартиб ва хаос, фрактал, кўп вариантлилиқ, муқобиллик) кенг фойдаланиш заруратини юзага келтирмоқда. Синергетика методларини давлат бошқаруви тизимида қўлланиши унинг методологияси ривожига катта ҳисса қўшиб, “**инсон – жамият – давлат**” тизими фаолиятини ташкил этиш ва юритиш жараёнининг ҳам “синергетиклиги”, яъни, ўзини-ўзи ташкил этиш хусусияти тўғрисидаги ғояларни исботлайди.

Синергетика тушунчаси (юнонча “synergetikos” – “ҳамкорлик”, “ҳамдўстлик”, “биргаликда ҳаракат”) маъноларини англатади [1]. Г. Хакен ўзининг “Синергетика” номли китобида бу терминни маъносининг икки жиҳатини ажратиб кўрсатади. Биринчидан, бирикишга, кооператив ҳаракат қилишга интилаётган элементларнинг ўзаро ҳамкорлиги, биргаликда ҳаракат қилиш натижасида ўз-ўзини ташкиллаштириб бир бутун тизимнинг вужудга келиши, иккинчидан, турли фан соҳаларида фаолият юритувчи олимларнинг ҳамкорлиги, биргаликдаги фаолияти тушунилади [2]. Ушбу тадқиқот ишида ҳар иккала ёндашув принципларига асосланиб иш қўрилади.

Б. Тўраевнинг жамоавий монографиясида синергетика тушунчасига мураккаб система сифатида қаралиб, унга қуйидагича таъриф беради. Синергетика – мураккаблиқ, мураккаб системаларнинг ҳамкорликдаги ўзини – ўзи ривожлантириши ҳақидаги фан [3]. Шунингдек, муаллифлар

“мураккаблик” тушунчасини изохлаб, мураккабликнинг мураккаблиги унинг кўп компонентли эканлигида ва ундаги алоқадорликларнинг кўп тармоққа тармоқланиб кетганлигидадир деб таъкидлайди.

Синергетикага оид турли манбалар [1-3] таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, синергетика атамаси дастлаб физик ва биолог олимлар тадқиқотларида кузатилиб илмий муомалага олиб кирилган. Бугунги кунда синергетика табиий-илмий билимлар чегарасидан чиқиб, ижтимоий билимлар соҳасига ҳам шиддат билан кириб бормоқда. Бундай қарашлар давлат бошқаруви назариясини тушунтиришда ўзининг ёрқин ифодасини топомоқда. Синергетиканинг энг муҳим жиҳати шундаки, у ўз-ўзини бошқарувчи тизимларда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчи-олимлар ишларини маълум бир йўналишда бирлаштиришга хизмат қилишидир. Ёки бошқача айтганда синергетика мураккаб тизимларни, ўзини-ўзи ташкил этиш ҳодисаларини ўрганаётган билим соҳаларига тааллуқли бўлган, универсал методологик парадигма бўлиб, ўрганилаётган предмет ва объектга ягона фанлараро ёндашувни намоён қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 28.01.2022 й. N ПФ-60

2. Бозоров Д. Синергетик парадигма. Монография. Тафаккур нашриёти. – Т.:2010

3. Хакен Г. Синергетика. - М.: Мир, 1980. 404 с.

4. Тўраев Б.О., Эргашева М.Х., Рахмонов Б.У., Мўминова З.О., Очилов Ж. Синергетика: моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши. Т.: Наврўз нашриёти, 2017, 12-13 бет.

5. Tajibayev, M. A., & Axmedov, J. T. (2022). Sinergetik yondashuv-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantirishning asosiy jihatlaridan biri sifatida. Scientific progress, 3(3), 527-532.

6. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). The concepts of sustainability and instability in synergetics are an important principle. *Scientific progress*, 3(3), 930-933.
7. Kholbekova, M. A. T. U. (2022). Applications and developments of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 942-945.
8. Tajibaev, M. A., & Rashidova, B. Y. (2022). Content of the concept of synergetics. *Scientific progress*, 3(3), 938-941.
9. Kulmatov, P. M., & Tajibaev, M. A. (2022). Synergetic as a factor for the development of modern science. *Scientific progress*, 3(3), 925-929.
10. Tajibaev, M. A., & Kholbekova, M. U. (2022). Synergetic methodology serves humanity. *Scientific progress*, 3(3), 934-937.
11. Abdurashidovich, T. M. (2022). Yoshlarda sinergetik dunyoqarashni shakllantirish omillari. *Integration of science, education and practice. scientific-methodical journal*, 3(3), 203-207.
12. Abdurashidovich, T. M. (2022). Sinergetika-yoshlarning yangi dunyoqarashini shakllantiruvchi bilim sifatida. *Fan, ta'lim, madaniyat va innovatsiya*, 1(2), 69-73.
13. Azimova, S. Y., & Tojiboev, M. A. (2021). Improvement of spiritual and educational work it is our important task. *Scientific progress*, 2(5), 544-548.
14. Melikuziyevich, K. P., & Abdurashidovich, T. M. (2021). State and community management-as a priority task in the appeal. *International journal of discourse on innovation, integration and education*, 2(2), 133-136.
15. Quvanovich, R. Q. (2021). The Moral Importance of Humanity and Patriotism in Chistiya and Kubraviya. *International Journal on Orange Technologies*, 3(3), 98-103.